

(1878-йил, Бухоро - 1968-йил, Туркия)

Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, таникли давлат ва жамоат арбоби, Бухоро Марказий Ижроия комитети (МИК) раиси (1921-йил сентябр - 1922-йил август). Отаси Кори Пўлатхўжа бухоролик савдогар бўлган. У дастлабки тахсилни Бухородаги мадрасада олди ва илк жадид мактабларидан бирини очди. 1908-йил дўсти Хамидхўжа Мехрий билан Туркияда - Истанбулда тахсил олади. 1913-йил Усмон Хўжа Бухорога қайтади ва яна жадед мактаби очади. У 1910-йил тузилган “Тарбияи атфол” махфий ташкилотининг фаол аъзоларидан бўлади.

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ва унинг укаси Отахўжа (1894-1938) ёш бухороликлар партиясининг йирик намояндаларидан эди. Колесовнинг Бухорога боскинидан сўнг (1918-й, март) У. Пўлатхўжаев совет Туркистонига мухожирликка кетишга мажбур бўлади. 1918-йил апрелда у Тошкентда ёш бухороликларнинг сўл эсерлар гуруҳини тузди. 1920-йил февралда У. Пўлатхўжаев инкилобчи ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий бюросининг аъзоси бўлиб сайланади.

Усмон Хўжа БХСР тузилгач, молия нозири (1920), давлат назорати нозири (1921), БХСР МИКнинг биринчи раиси каби лавозимларда ишлади. У Бухоро Халк Республикасидан боскинчи кизил аскар қўшинларини олиб кетилиши, Бухоронинг хакикий мустақиллиги учун курашади. 1921-йил декабрда У. Пўлатхўжаев Шаркий Бухорода (Душанбе атрофида) истиклолчилар сафига ўтади ва 1922-йил Афғонистонга ўтиб, Бухоро Республикасининг мустақил миллий армияси учун замонавий қурооллар сотиб олишга ҳаракат қилади.

Пўлатхўжаев мухожирликда Афғонистон, Полша, Эрон ва Туркияда бўлади. У. Пўлатхўжаев энди Туркистон мустақиллиги учун курашни мафкура майдонига қўчиради. 1927-1932-йилларда у Истанбулда “Янги Туркистон” журналининг нашр қилдирди. У Туркистон тарихига оид кўплаб асарлар муаллифидир.